

ИБН РУШДНИНГ ЖАМИЯТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-1136-1140>

Икрамова Ирода Рихсиваевна

ТошДШУ Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада шарқ перипатетизмининг йирик вакили бўлмиш Ибн Рушднинг ижтимоий-иқтисодий қарашлари баён этилган. Шунингдек, унинг жамиятни барқарор ривожлантириш борасидаги қимматли фикрлари тақдим этилган. Унинг бу фикрларининг асоси сифатида ўтмишдошларининг фикрлари билан қиёсий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ибн Рушд, Афлотун, Форобий, Ибн Сино, Ибн Туфайл, перипатетизм, омма, элита, сиёсат, жамият, барқарорлик, бахт.

АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются социально-экономические взгляды Ибн Рушда, крупного представителя восточного перипатетизма. Он также дает ценную информацию об устойчивом развитии общества. В основу своих взглядов он сделал сравнительный анализ со взглядами своих предшественников.

Ключевые слова: Ибн Рушд, Платон, Фароби, Ибн Сина, Ибн Туфайль, перипатетизм, масса, элита, политика, общество, стабильность, счастье.

КИРИШ

Муслмон-араб фалсафаси тадқиқотчилари ижтимоий- иқтисодий муаммолар араб фалсафасининг асосий муаммоларидан бири эканлигини қайд этадилар. Бироқ, бизга маълумки, шарқ перипатетикларига асосан рационал ёндашув хос бўлган. Марокашлик фалсафа тарихи бўйича мутахассис Саид Бенсаид юқоридаги фикрни у қадар тўғри деб ҳисобламайди. Уни фикрига кўра, “...араб фалсафасининг асосий муаммолари ислом жамиятининг сиёсий зиддиятларга кириб бориш даврида унинг бошланғич ҳолати пайдо бўлган. Бу муаммолар ҳукмронлик ва давлат бирлашмалари муаммолари билан боғлиқ ҳолда кечган”[5,7].

Тадқиқотчи Саид Бенсаиднинг фикрларини тасдиғи сифатида шарқ перипатетикларининг ҳаёт тарзини кўриб чиқишимиз мумкин. Шарқ аристотелизми мактаби вакиллари ҳаёт тарзига назар ташласак, уларнинг ҳаёти жамият, сиёсат билан боғлиқ бўлганини гувоҳи бўламиз. Масалан, Ал-Киндий

халифа ал-Маъмун ва ал-Мўътасим саройида ҳаёт кечирган. Фаробий Султон Сайф ад-Давла саройига яқин инсон бўлган. Ибн Сино ҳам Шамс уд-Давла ва Алоуд-Давлани вазири ва маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб борган. Ибн Бажжа ҳам Гранада ва Саркас ҳокимининг вазири бўлган. Ибн Туфайл ҳам аввалига Гранада ҳокимининг котиби бўлиб, кейинчалик эса Абу Ёқуб Юсуфнинг шахсий табиби ва маслаҳатчиси бўлган. Ундан сўнг унинг лавозимини Ибн Рушд эгаллаган. Ибн Рушд шу билан бирга Севиля ва Қурдобанинг қозиси лавозимида ҳам фаолият олиб борган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Файласуфларнинг қарашлари билан танишиб чиқиб шунга гувоҳ бўлдимки, улар сиёсат ва ижтимоий масалаларда холис фикр билдирганлар. Балки, шу ҳислатлари улар юқори мартабалардан қувғинга учрашларига сабаб бўлгандир. Перипатетик файласуфларнинг ҳар бирлари ўзлари орзу қилган шахар ҳақида фикр билдирганлар. Ўрта аср мусулмон-араб фалсафасининг асосий категорияларидан бири “бахт” бўлган. Асарларида инсон бахти ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган.

Перипатетикларнинг сўнгги ёрқин вакили Ибн Рушд ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларида Афлотуннинг “Давлат” асарига асосланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин [6,97]. Хусусан, Ибн Рушд инсонни табиатан сиёсий жонивор сифатида кўради. Бундай қараш мусулмон-араб фалсафаси учун бегона эмас. Инсон ёлғиз ўзи яшаса, ўз эҳтиёжлари учун керакли бўлган воситалар билан тўлиқ таъминлай олмайди. Фақатгина инсонлар жамоаси билан қонунга асосланган ҳолда яхшиликларга, яхши тарбияга ва тартибли ҳаётга эришиш мумкин. Шунини айтиб ўтиш керакки, файласуф ўзидан аввалги перипатетиклар каби давлат ва жамият ўртасида фарқ кўрмайди. У давлатни айрим ижтимоий алоқалар системаси сифатида кўради.

Ибн Рушд фикрича, ҳеч бир индивид бир ўзи барча фазилатларга эга бўлиши мумкин эмас. Агар бу мумкин бўлса ҳам, бундай индивидни топиш анча мушкул бўлади. Мукамаллик кўплаб индивидлар бирлашган жамоада юзага келади. Ҳеч кимнинг кўмагисиз яқка индивиднинг ёлғиз ўзи барча ҳайрликларга эриша олмайди. Инсон барча ҳайрликларга эришиш учун бошқа инсонларга ҳам мухтож бўлади. Шу боис инсон табиатан фуқаролик мавжудотидир [3,132].

Файласуф фуқароларни тор мутахассислигида ҳеч қандай бир яхши ҳислат кўрмайди. Унинг фикрича, агар инсон ёшлигидан ўзи хуш кўрган касб танласа ва у билан узоқ вақт машғул бўлса, у мамлакат учун ҳам, ўзи учун ҳам

фойдали бўлган юқори маҳоратга эришади. Ибн Рушд инсонларни мамлакатнинг фуқароси сифатида уларни меҳнат жараёнидаги ўрнини аниқлашга уриниб, меҳнат тақсимооти ҳақида ҳам фикр билдиради. Бунда у ҳунарларни бир-бирини тўлдириб, бир-бирига бўйсунини назарда тутди. “Демак, меҳнатни ташкил этиш учун биз ёритганимиздек – мукамалликка эришиш учун бир-бирига ёрдам берадиган, ўз касбини усталаридан ташкил топган жамоа керак бўлади” [2,201]. Бунда инсонлар бир-бирларига ёрдам берган ҳолда ўз мақсадларига эришадилар, деган фикрни олға сурмоқда Ибн Рушд. Масалан, агар газлама бўлмаса, тикувчини нима кераги бор? Бундан аён бўладики, газламачининг маҳсулотига тикувчи мухтож, яъни унинг меҳнатига мухтож.

Жамиятни феодал-иерархик тузилиши файласуф учун фақатгина меҳнат тақсимотининг бир кўриниши бўлган. Шу асосда бир фуқарони иккинчисига бўйсунини ҳам кўриб чиқади ва куйидагича фикр билдиради:

“Агар бир инсонда барча хислатларни ўзида мужассамлаш имкони бўлса-ю, шу вақтни ўзида у бу хислатлардан фойдаланишга мажбур бўлса, унда у инсон ҳам хизматкор, ҳам хўжаин, ҳам буйруқни бажарувчи бўлиб қолади. Бундан эса ҳеч қандай манфаат йўқ. Агар шундай бўлганда ҳар бир инсон ҳукмрон бўлишга мойил бўларди” [3,134].

Табиийки, буни ҳеч қандай чораси йўқ. Бу инсон ақлига сиғмайдиган нарса. Чунки, улар ҳоким бўлишлари учун уларга бўйсунувчи, хизмат қилувчи итоаткорлари бўлиши керак. Итоаткорларисиз улар ҳеч қандай ҳукмрон бўла олмайдилар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ибн Рушднинг ижтимоий-сиёсий қарашларида Афлотуннинг қарашларини таъсирини яққол кўришимиз мумкин. Афлотуннинг “Давлат” асарига ёзган шарҳидан келиб чиқиб, Ибн Рушд фуқароларни учта қатламга бўлади. Булардан бири моддий ёрдам берса, иккинчиси душманлардан ҳавсизликни ҳимоя қилади. Учинчиси эса, фуқароларни таълим-тарбиясини амалга оширади.

Биринчи қатлам савдогарларни ва шаҳар ҳаётини турли хил ҳунармандчилик воситалари билан таъминлаб турувчи ҳунармандлардан ташкил топган. Иккинчи қатлам – ҳарбийлардир. Улар ўз устиларида муттасил шуғулланиб, давлат амалдори ёки унда қонунийлик ва тартибни ҳимояловчи сифатида фаолият олиб борадилар. Учинчи қатлам вакиллари – булар донишмандлар ва файласуфлардир. Улар мамлакатдаги аҳволни ўрганадилар.

Ҳақиқатни англаб, қонунлар чиқарадилар ва бутун мамлакат билан иш тутиб, уларни бошқарадилар.

Шу билан бирга у жамиятни “омма” ва “элита”(зиёли)га бўлади. Бундай ажратиш VIII асрдаёқ ислом фалсафасида мавжуд бўлган. Бундай бўлишнинг асл маъноси, танланган тор гуруҳ инсонлар ва яна бошқа улардан пастроқ “омма” табақалари орасидаги фарқни англатишдир. Бу ажратишни “омма”ни таҳқирлаш маъносида тушуниш керак эмас. “Омма” хис-туйғудан иборат илмлар билан чегараланади. “Олимлар” эса уни рационал исботлар билан тўлдирадилар. “Омма” юзаки, чуқур бўлмаган илмга эга бўлади. Улар нарсаларни ким ясаганлигини сўраб, суриштирмай қабул қилаверадилар. Олимлар эса, нарсани ким ясаганлигини ва у нима учунлигини аниқлаб, билган ҳолда уни қабул қиладилар [4,238].

Ибн Рушднинг ғоялари Форобий фикрларига ҳам жуда яқин. У ҳам мавжуд феодал тузумни оқлайди. Унинг фикрича, ҳамма одамларнинг имконияти, қобилияти, лаёқати бир хил эмас. Демак, улар орасида фарқланиш, табақаланиш табиий ҳолат, деб билади.

Ибн Рушднинг тарбия масаласидаги ғоялари Афлотуннинг “Давлат” асарига шарҳидаги муҳим қисмини ташкил этади. Унда Ибн Рушд Афлотунни тарбияни мусиқа билан бошлашни маслаҳат берганлигини айтади. Бироқ, шарҳида унинг ўзи куйидаги хулосага келади: Уни бу фикрга келишига сабаб, балки унинг даврида мантиқ санъатини ривожланмаганлигидир. Ҳозирги кунимизда эса бу аниқ ривожланиб бўлган. Шунинг учун менинг фикримча, тарбияни мантиқ санъатидан бошлаш тўғрироқ бўлса керак. Ундан кейин эса кетма-кет арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, оптика, механика, физика ва ниҳоят метафизикага ўтиш мумкин [1,133].

Афлотуннинг тарбия масаласидаги таълимотини баён қилиш давомида Ибн Рушд унга мусулмонлар ҳаётидан олинган мисоллар билан жило беради. Ибн Рушд бу шарҳида мамлакат подшоҳи эга бўлиши керак бўлган фазилатлар ҳақида тўхталиб ўтади. Чунки, фуқароларнинг фаровонлиги давлат бошлиғига боғлиқ деб билади. Бошлиқ жисмонан тўрт мучаси соғ, назарий билимларни улуғлайдиган, ўткир зехнли, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи, ўз манфаатини биринчи ўринга қўймайдиган, олийжаноб, довюрак, дадил, нотик, фаросатли (зийрак), силлогизмнинг ўрта ҳажмдаги иборасини тез ёдлай оладиган хислатларига эга бўлиши керак. Бу сифатлардан ташқари “бунёдкорлик” хусусиятига ҳам эга бўлиши шарт. Ҳукмдор ўз ҳукмронлиги остидаги инсонлардан ажралиб туриши керак эмас [3,138].

Юқоридаги фикрлардан бизга аён бўладики, Ибн Рушд қарашларидаги давлат бошлиғи Ибн Сино ва Форобий қарашларидаги давлат бошлиғидан деярли фарқ қилмайди. Форобийнинг машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асаридаги подшоҳ эгаллик қилиши керак бўлган хислатлар билан деярли бир хил. Фақатгина Ибн Рушднинг Идеал жамиятининг подшоҳи шариат қонунларини изоҳлашга қодир бўлиши керак.

Шунингдек, “адашган” шаҳарлар ёки мамлакатлар ҳақида ҳам фикр билдириб ўтади. Унинг бу категориялари Афлотуннинг “ёлғон” мамлакатлари билан жуда ўхшаш. Бу қарашларида Форобийнинг ижтимоий қарашларини, яъни ўхшаш шаҳарлар ҳақидаги фикрларини кўришимиз мумкин. Бу таълимотида файласуф мамлакатни сиёсий ва маънавий ағдарилиши ва адашган давлатга айланишини ёрқин тимсолини бериб ўтади. Бугунги кунда ҳам бирор бир мамлакатни эгаллаш учун турли хил қуроллар эмас айнан маънан ағдариш усули кенг қўлланилмоқда. Хусусан, “Soft power” - “енгил куч” воситасида мамлакатлар осонликча адаштирилиб, қўлга киритилмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Ибн Рушднинг ижтимоий-сиёсий қарашлари асосан ўтмишдошлари бўлмиш Афлотун, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ибн Божжа, Ибн Туфайл таълимотларига асослангандир. Ибн Рушд антик маданиятнинг ҳаққоний давомчиси бўла олди. Уни “Умумий бахт” ғояси руҳлантира олди. У ўзи яшаб турган дунёни яхши тарафга ўзгартириш мумкинлигига ишонарди. Унинг таълимотида “Фозил одамлар шаҳри”га интилишни кўрамиз.

REFERENCES

1. Averroes. Commentary on Plato’s “Republic”. Ed.by E.I.Rosenthal. Cambridge, 1956.
2. А.А.Игнетенко. В поисках счастья. –М., 1989.
3. А. В.Сагадеев Ибе Рушд (Аверроэс). –М.,1973.
4. Ибн Рушд. Опровежение опровержения. Киев. 1999.
5. Саид Бенсаид. Законоведение и политика. Бейрут, 1982.
6. Ренан Э. Аверроэс и аверроизмъ. Киев, 1903.
7. Jurayev, S. S. O. (2021). Abu Ali ibn Sinoning falsafiy qarashlarida baxt-saodat masalasi. *Academic research in educational sciences*, 2(Special Issue 1), 395-401.
8. Sulaymonov, J. (2021) ABDURAHMON IBN XALDUNNING TAMADDUN TARAQQIYOTI HAQIDAGI QARASHLARIDA JAMIYAT TAHLILI//*Academic Research in Educational Sciences*, Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.